



Inshonch

МОХИЯТ
 Утганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини хурмат билан эслаш, уларнинг арвоқларини шод қилиш муқаддас одат сифатида қон-қонимизга сингиб кетган.
 Ислам **КАРИМОВ**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Инсон қадри – улуг, хотираси – муқаддас

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эълон қилинган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуг. Утганларни, уларнинг ишларини, жасоратини ёдга олмоқ, эъзозламоқ халқимизга хос эзгу фазилатлардандир. Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жангҳоқлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енган, машаққатли дақиқаларда ҳам ўзлигини йўқотмаган, имони бутун юртдошларимизга хурмат-эҳтиром кўрсатиш том маънода миллий қадриятга айланган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 24 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонлангани муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги фармони Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медаллари ва пул муқофотлари тантанали равишда топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусика таралди. Соат 8.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган минглаб юртдошларимиз хотирасига хурмат бажо келтирди.

— Юртимизда муқаддас Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган бу қутлуғ байрам билан аввало бугун сафимизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган уруш қатнашчиларини, нуруний отахонларимизни, барча-барча юртдошларимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий табриклайман, — деди Ислам Каримов.

Биз 9 май — Ғалаба кунига Хотира ва қадрлаш куни деб ном берганимизга, мана, 12 йил тўлмоқда. Бугунги кунда ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: бундай ном олган бу сана юртимизда умумхалқ байрамига, ҳақиқий анъанага айлиб қолди. Нега деганда, хотира ва қадрлаш тушунчалари асл миллий қадриятларимизга жавоб бериб, ота-боболаримиздан қолган ҳам диний, ҳам инсоний урф-одатимиздир.

Утганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини хурмат билан эслаш, уларнинг арвоқларини шод қилиш муқаддас одат сифатида қон-қонимизга сингиб кетган, деди давлатимиз раҳбари.

Шу маънода, биз аввало уруш майдонларидан қайтмаганларнинг хотираси олдидан, бешафқат жангларда ҳалок бўлганлар ва шу урушда қатнашган барча инсонларнинг жасорати ва матонати олдидан бош эгамиз. Бу аёвсиз уруш юртимизда қанча-қанча бева-бечора ва етим-есирларни қолдириб, қандай оғир азоб-уқубатлар олиб келганини яна ва яна бир бор эслашимиз.

Шулар ҳақида гапирганда, яна бир муҳим вазифамиз бўлиши — бугун сафимизда омон бўлиб, ҳаётимизга фойда бағишлаб келаётган уруш қатнашчилари, муҳта-

рам фахрийларимизга муносабат ҳақида алоҳида сўз юритишни истардим.

Уларнинг умри ганимат эканини унутмаслик, айна ҳаёт бўлган пайтида уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, қадрлаш ва эъзозлаш барчамиз учун, аввало, ҳукумат ва ҳокимият раҳбарлари учун ҳам қарз, ҳам фарз, десак, ҳеч қандай хато бўлмайдими. Лўнда қилиб айтганда, эртага пушаймон бўлмаслик учун бугун бурчимизни адо этсак, айна мударо бўлар эди.

Халқимизнинг собиқ Иттифоқ халқлари қаторида Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида гапирганда, баъзи рақамларни келтиришни ўринли деб биламан, деди Юртбошимиз. Уруш арафасида мамлакатимизда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони урушда бевосита иштирок этган.

Яъни, ёш гўдак ва болаларни, қариялар ва аёлларни ҳисобга олганда, халқимизнинг 40 фоиздан кўпроги қўлига қурол олиб, жанг майдонларида қатнашган. Ва бу даҳшатли урушда қарийб 500 минг юртдошимиз, яъни урушда қатнашганларнинг 30 фоизи ҳалок бўлган, нобуд бўлган.

Албатта, ҳаммамиз яхши тушунамиз, шунча қурбон ва йўқотишларни халқимиз Ватанини фашизм балосидан, фашизм қулгидан сақлаб қолиш учун берган.

Шу билан бирга, бир фикрни такрор ва такрор айтишга тўғри келади, деди Президентимиз.

Ишончим комил, бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида қандайдир номаълум тепаликни эгаллаш, унга қўзил байроқ ўрнатиш учун эмас, ҳаёлида авваламбор ўз ота-онани, болалари, сеvimли ёри учун, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган.


Уйлайманки, мана шундай фикр-ўйлар одамнинг кўнглидан ўтар экан, беомон жангларда қон тўққан, ҳалок бўлганларнинг бизларга — бугунги мусофиро осмон остида осуда ва тўқ яшаётганларга қаратилган умидлари бамисоли қандайдир садо-дават бўлиб, қулোগимизда янграб турган бўлса, бу ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас.

Яъни, уларнинг «Болаларимиз, юртимиз омон бўлсин, халқимиз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаган ва ҳеч қимдан кам бўлмасин», деган ниятлари бугун барчамиз учун айнан бизларга қаратилган давлат сифатида туюлиб турса, буни ҳам табиий ҳол деб қабул қилишимиз керак.

Одам шулар ҳақида ўйлар экан, бундай эзгу ниятларни, юртимизнинг, халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўб-га чиқариш, гўзал ва бетакрор Ватанимизнинг янада тараққий топишига ҳисса қўшиш барчамиз учун, бугун яшаётган авлод учун ҳам фукоралик, ҳам инсоний бурч десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч қимга сир эмас, бугунги дунёда ўзининг қадр-қимматини, гурур ва номусини англаб яшайдиган, ўз кучи ва қудратига ишонган, ўз меҳнати ва ақл-заковати билан келажагини қуришига ва ўз юртини ҳимоялашга қурби еттидиган давлат ва халқни жаҳон аҳли тан олади ва хурмат қилади.

Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Аввало, биз бугун яшаётган нотинч ва таҳликали шароит Ватанимиз мустақиллиги, чегараларимиз дахлсизлигини, аҳоли-мизнинг тинч ҳаётини ҳимоя қилишга



қодир бўлган Қуролли Кучларимизнинг салоҳиятини ошириш, унинг имкониятларини мустаҳкамлаш вазифаси доимо эътибор марказида туришини талаб қилмоқда.

Юртимизда ҳукм сураётган, энг катта бойлигимиз бўлиши тинчлик ва оқсоқиллик, меҳр-оқибат, узаро хурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиқдек асраш, узоқ ва яқин қўшилар билан тил топиб, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш вазифаси бу борада ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги долзарб вазифаларимиздан яна бири, дея таъкидлади Ислам Каримов, Ўзбекистонни тараққий топган давлатлар қаторига кўтариш, эркин ва демократик жамият қуриш ва бунинг учун юртимиздаги мавжуд барча имкониятларни ишга солишдан иборатдир.

Айнан шу мақсадга эришиш йўлида Ватанимизнинг эртанги кунни, келажаги бўлиши, бизнинг таянчимиз ва суянчимиз бўлган ёш авлодни тарбиялаш, фарзандларимизга замонавий билим бериш ва уларни ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш энг устувор вазифамиз экани-

ни ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Бугун нишонлаётган байрамимиз шундай бир кунки, у шу юртда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадон учун бевосита дахлдор бўлган, уларнинг ҳаётида қандайдир чуқур из қолдирган тарихий санадир.

Айни шу кунда мен эл-юртимиз билан бирга бўлиб, шу куннинг ҳам хурсандчилигини, ҳам изтиробини уруш қатнашчилари, муҳтарам фахрийларимиз билан баҳам қўриб, ғойибона бўлса ҳам уларнинг барчасини бағримга босиб, яна ва яна бир бор булган халқимизни ана шу тарихий сана билан табриклагани ўзимнинг муқаддас бурчим деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад тилайман, деди Ислам Каримов.

Шу кун Мотамсаро она ҳайкали пойи ановий гулларга бурқанди. Юрт озодлиги ва раванқи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига хурмат бажо этиш учун келган зиёратчиларнинг қадими кечга қадар узилмади.

(Ў.А)

Утганларни ёдга олиш, пиру бадавлат она хонлару оталаримизни эъзозлаш халқимизга хос бўлган қадриятлардандир. Республикаимизнинг турли бурчакларида бўлиб Утган байрам тадбирларида айнан ана шу хислатлар яққол намоён бўлди.

Элмурод Мирҳонов афғон уруши иштирокчиси, 6-даражали пармаловчи-машинаист. Унинг жамоалоши Ойбек Худойбердиев эса Чернобил атом электростанцияси фожиясини бартараф этишда қатнашган, пармаловчи ёрдамчиси вазифасида ишлади. Хотира ва қадрлаш куни арафасида ёзилган дастурхон атрофида бирга ўтириб, ўша муҳим кунларни эсладилар.

Байрам муносабати билан қорхонамизда касба уюшма ташкил этган бир пиёла чай устида ширин суҳбат бўлди. Уруш қатнашчилари, ишлаб чиқаришда шикастланганлар, бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганларнинг оилалари ва пенсионерларни қорхона раҳбари Имом Могомедов ҳамда касба уюшма кўмитаси раиси Ражаб Ганиевлар муборакбод этишди. Уларга 1,8 миллион сўмлик маблағ топширилди.

Зулайхо ЗАРИПОВА, Қоровулбордаги «Ўзнефтгазқудуктаъмирлаш» ОАЖ касба уюшма кўмитаси раисининг ўринбосари

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Шайхонтохур бирлашган кўмитаси туман Халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда уруш қатнашчилари ва таълим соҳасида фаолият юритган фахрийлар ҳолидан хабар олиш мақсадида, уларнинг уйларига ташриф буюришди.

Йўқовдан кўнгли тоғдек кўтарилган 31 нафар фахрийдан 5 нафари ёлғиз яшовчилардир. Уларга топширилган байрам совғалари фахрийлар қувончига қувонч қўшди.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Марказий офицерлар уйда Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Мулоффа вазирлиги, Республика болалар бадий ижодий маркази ҳамкорлигида «Сиз доимо эъзозимиздасиз» маданий-маънавий анжумани ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар кексаларини эъзозлаш халқимизга хос қадриятлардан бири эканига алоҳида ургу беришди.

— Уруш фожияларини кўрган инсон сифатида бугунги до-риламон кунларнинг қадри нечоғлик улди эканини ҳар лаҳза дилдан ҳис қиламан, — дейди уруш қатнашчиси Ҳафис Нишонбоев. — Урушнинг номи ўсин. Тинчлик бўлса, фаровонлик ҳам, ривожланиш ҳам бўлади.

Бугун мамлакатимизда 10 мингга яқин ҳалок бўлган жангчи оилалари, 185 мингга яқин уруш ортида хизмат қилганлар, 11 мингдан ортқ уруш фахрийлари биз билан ҳамнафас яшаётгани таъкидланди.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига Хотин-қизлар кўмитаси томонидан тайёрланган совғалар топширилди.

Ақмал ТОШЕВ

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашида ҳам байрам тадбири бўлиб ўтди.

— Гулдаста тўтган, юз-кўзларида ҳаётдан мамнуний ифодаси балқиган отахон отахонларимизни кўрганда, юрак бир қалқиб тушади, — дейди Марказий кенгаш раиси М.Адилова. — Халқимизга хос анъаналарнинг ёрқин ифодасига айланган бу эъзозталаб кун бизни утганларни хотирлаш ҳамда тириклирнинг қадрига етишга ундайди.

Тадбир қатнашчиларига Марказий кенгашнинг эсдалик совғалари топширилди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ

Касаба уюшма ҳаёти

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгашида Алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг тармоқда иш ҳақи ҳамда унинг ҳарид қобилияти ўрганилиши муҳокамасига бағишланган йилгилик бўлиб ўтди. Бу борадаги ишларнинг аҳоли ҳақида ЎзКУФКнинг меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири М.Исаев ахборот берди.

Меҳнатга яраша рағбат

Йилгиликда соҳа бўйича иш ҳақидан муддатли ўтган қарздорлик йўқлиги, энг кам иш ҳақи кафолатлари, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, муқофот, устама, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар меъёри-да эканлиги эътироф этилди.

— Алоқа соҳасида ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни келишув ва жамоа шартномалари орқали тартибга солиш билан бирга ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳам адолат мезонларига таянган ҳолда ҳал этиб келинмоқда, — деди Алоқа ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев. — Иш ҳақининг ўз вақтида тўла-ниши ижтимоий шерикчилик асосида ишлашининг яхши йўлга қўйилганлигидандир.

Бугунга келиб соҳада битта тармоқ, ик-

кита тариф келишуви, ягона жамоа шартномаси ва 196 та жамоа шартномаси тузилган бўлиб, ходимларни қамраб олиш даражаси 99,9 фоизни ташкил этади. Ушбу шартнома ва келишувлар орқали қорхона ва ташкилотларда меҳнат шароитини баҳолаш мезонлари мувофиқлаштирилганлиги боис, жамоаларда ҳамкорлик ва барқарорлик таъминланмоқда.

Тармоқ қорхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашининг вақтбай ва ишбай шакллари қўлланиб, оғир ва зарарли меҳнат шароити учун 10 фоизлик устама тўлаш сақлаб қолингани эътиборга моликдир.

Кун тартибдаги масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Йилгиликда ЎзКУФК раисининг ўринбосари Н.Аллаёров иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

Сенатнинг иккинчи ялпи мажлиси

Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисида сенаторлар юртбошимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 26 январдаги Сенатнинг биринчи мажлисида сўзлаган нутқи, 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукоралик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» маърузасининг асосий қоида ва хулосаларини рўбга чиқариш юзасидан Сенатнинг ҳаракат дастурини кўриб чиқдилар ва маъқуладилар.

Парламент юқори палатасининг аъзолари томонидан ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштиришга қаратилган: — «Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги; — «Суд экспертизаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинганлиги муносабати би-

лан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги;

— «Фукораларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 10 ва 11-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги;

— «Архив иши тўғрисида»ги;

— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги;

— «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қўшимча киритиш ҳақида»ги;

— «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги;

— «Ўзбекистон Республикаси билан Уммон султонлиги ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари тўғрисида»ги битимини (Масқат, 2009 йил 5 октябрь) ратификация қилиш

ҳақида»ги қонунлар, Ўзбекистон Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот кўриб чиқилди ва маъқуладди. С.Рашидова навбатдаги муддатда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили этиб сайланди.

Шунингдек, сенаторлар томонидан Ўзбекистон Ҳисоб палатасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси раисининг Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Марказий банк раисининг Ўзбекистон Марказий банкнинг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи, Адлия вазирлигининг 2009 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши

ҳолати тўғрисидаги ахбороти муҳокама қилиниб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.


Сенаторлар Ўзбекистоннинг Америка Қўшма Штатлари, Германия Федератив Республикаси ҳамда Россия Федерациясидаги фавуқолда ва мухтор элчиларини лавозимга тайинлаш масалаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлисида Сенатнинг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Икки кунлик мажлис давомида 24 та масала, жумладан, 10 та қонун кўриб чиқилди. Улар демократик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини оширишининг муҳим омилли бўлди.

Олий Мажлис Сенатининг матбуот хизмати хабарлари асосида тайёрланди

Ҳисобот-сайлов конференциялари



Камарбасталик

Бўстонлик туман Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

Касба уюшма кўмиталари раислар кенгашининг ўтган йиллар мобайнидаги фаолияти туғрисида туман вакили Учкун Аҳмедов шундай деди: — 2009-2012 йилларга мўлжалланган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозига қарши чоралар» Давлат дастури доирасида туманимизда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Масалан, махсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш миқдори 300 млрд. 329 миллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 136,4 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, 63 млрд. 257 млн. сўмлик саноат махсулотлари, 122 млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарилиб, 23 млрд. 191

млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ўтган беш йил давомида 80 дан зиёд ишчи-ходим сиҳатгоҳларга имтиёзли йўлланма олди. 300 аъзо корхона ва ташкилотлар ҳисобидан дам олдирилди. 100 га яқин кам таъминланган оила фарзандлари оромгоҳларда кўнгилли хордиқ чиқарди.

Пировардида, касба уюшма кўмиталари раислар кенгаши аъзоларининг етти кишидан иборат янги таркиби ҳамда Тошкент вилояти Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси конференциясига делегатлар сайланди.

Шарофат НОРКУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Намунали фаолият

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марҳамат туман бирлашган кўмитаси ўз сафига 5851 нафар аъзони бирлаштирган. Туман халқ таълими бўлими ва бирлашган касба уюшма кўмитаси тармоқ қелишуви ва жамоа шартномалари асосида ҳамкорликда фаолият юритаётгани ўз самарасини бермоқда.

Ҳисобот-сайлов конференциясида бу борада амалга оширилган ибратли ишлар тилга олиниб, уларни янада мустақамлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Кўмита раислигига Н.Сарболаев бир овоздан қайта сайланди. Илгирликда бошланғич касба уюшма кўмитаси етакчилари намунали фаолияти учун эътибор билан таъдиланди. Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Нуфузни ошириш йўлида

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Асака туман кенгаши 37 та бошланғич ташкилот ҳамда 20141 нафар аъзони ўз сафига бирлаштирган бўлиб, изчил ислохотлар, фермерчиликни ривожлантириш жараёнлари фаолиятга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта. Асака туманида 2005 йилнинг охирида 12 та ширкат хўжалиги тугатилиб, 222 та фермер хўжаликлари тузилгани иш қўлами қанчалар кенгайганига бир мисол.

2006 йилнинг бошиданок туман Кенгаши фермер хўжаликлари билан «Ҳамкорлик келишуви» тузиб, ширкат хўжаликларида ишлаган 14880 нафар ходимни иш билан таъминлади. Ўтган беш йил давомида жамоа шартномалари тузаётган юридик шахслар сони ошиб, жамоа шартномалари сони 1,5 баробарга ўсди.

Ҳисобот-сайлов конференциясида ечимини кутаётган муаммолар ҳақида ҳам аниқ фикр-мулоҳазалар билдирилди. Иш ҳақларидан муддати ўтган қарздорликларни баргараф этиш йўлида туман ҳокимияти ва прокуратураси, тармоқ Марказий кенгашига талабномалар юборилгани, бу масалани зудлик билан ҳал этиш лозимлиги таъкидланди.

Мунозаралардан сўнг конференция қатнашчилари туман кенгаши фаолиятини қониқарли деб топди. Кенгаш раислигига тажрибали касба уюшма етакчиси Ҳидоятилло Аҳмедов қайта сайланди.

Йиғилишда вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшма кенгаши раиси Ғайратбек Содиқов иштирок этиб, тармоқ ходимлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида маъруза қилди. Уз мухбиримиз

Яна ишонч билдирилди

Учқудуқ туманида зиёлилар, педагоглар — касба уюшма фаоллари навбатдаги конференция баҳонасида яна бир бор атрофлича кенгашиб олишди. Аввал таълим ва фан ходимлари Учқудуқ туман бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Ирина Каумбаеванинг сайловдан сайловгача бўлган даврда олиб борилган ишлар юзасидан ҳисоботи тингланди. Тафтиш комиссиясининг ҳам ишлари сарҳисоб қилинди. Ҳар иккала масала юзасидан сўзга чиққанлар соҳа ишига доир тақлиф, тилаклар, шунингдек, муаммолар ҳусусида батафсил фикр юритдилар. Делегатлар янги мuddатга бир овоздан яна Ирина Каум-

баевага ишонч билдиришди. Тадбирда республика таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши вакили Марат Ибрагимов иштирок этди.

Томди туманида ҳам касба уюшма фаолларининг навбатдаги конференцияси бўлиб ўтди. Таълим ва фан ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Марина Абдуллаеванинг иш юритиш ва бир овоздан қониқарли дея баҳоланди. Ўртага ташланган айрим камчиликлар, масалалар ечими шу жойнинг ўзида ўрганиб чиқилди. Пировардида, Марина Абдуллаева яна етакчиликка лойиқ топилди.

Зарафшон шаҳри таълим ва фан фидойиларидан таркиб топган делегатлар ҳам навбатдаги давр бўйича олиб борилган йўналишларни белгилаб олишди. Соҳа ходимлари саломатлиги, меҳнат шароитларини янада яхшилаш, фарзандлар камолига эътибор каби ўнлаб масалаларда кўплар фикрга таянчибу хулоса чиқарилди. Таълим ва фан ходимлари Зарафшон шаҳар бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси Хосиятхон Бердиева галдаги мuddатга ҳам ўз вазифасида қолди.

Мансур АБУВУДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ҳамжиҳатликка нима етсин

Учун ҳам уларнинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари кун сайин юксалиб бораётир.

Аммо баъзи корхоналарда ҳануз касба уюшма ташкилоти йўқлиги, меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси ташлаб қўйилганлигини сира оқлаб бўлмайди.

Туман ҳокимининг хотин-қизлар масаласи бўйича ўринбосари Тожиҳон Ҳусайдинованинг сўзлари ҳам эътиборга молик бўлди:

— Мен ҳам бир пайтлар касба уюшма тизимида хизмат қилган-

ман. Шиори савоб бўлган бу соҳани жуда яқин кўраман, унинг ҳаётдаги ўрнини беҳад қадрлайман. Гулзода Юнусова «Баркамол авлод» жамғармасида ишлаганида ўзини кўрсата билди. Аминманки, касба уюшмада ҳам ибратли ишлар ташаббускорига айланди.

Шундан сўнг бир овоздан жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи 11 кишидан иборат раислар кенгашининг янги таркиби сайланди. Гулзода Юнусова эса уларга сардорлик қиладиган бўлди.

Уз мухбиримиз

Абдунаби Абдиев, Мухтор Пардаев



Кўпқари гурунглари

(Боши ўтган сонларда)

— Туркменистоннинг Шўробидаги тўйга Кичикўрадан Эсон, Тўхли, Кулай, Нурулло, Чоршанби, Нурали, Чоршанби Азиз каби машҳур чавандозларга қўшилиб мен ҳам боргандим.

Тарлон отнинг жуссаси бошқаларига қараганда кичикроқ келади. Кулайнинг отини қўриб муҳлислар: «Шу чавандозам зот оламан деб келдимикан?», «Отининг жуссасига қаранглар», — деб мазаҳ қилишди.

Уша кун Тарлонни чавандозларимиз навбати билан чопишди. Аммо зот ҳар гал Тарлонга минган чавандозда кетаверди. Кўпқари тугагач, туркман чавангонлари қўноқ жойимизга келиб, шу от учун қанча сўрасак баҳосини тилло билан тўлашга рози эканликларини айтишди.

— Сизлар бораверинглар, биз ўйлашиб кўрайлик, жавобини эртага айтмиз, — деди жўрабосимиз Эсон чавандоз харидорларни тинчлантириб. Ярим тун, борлик уйкуга кетганда ёшуллиларимиз Кулай Азизни ётган жойидан уйғотиб:

— Ёнингга кимни олсанг ҳам майли, аммо шу кечасиёқ қишлоққа ошмасанг Тарлонни қўлдан олдирамиз, — дейишди.

Чорасиз қолган Кулай туни билан от суриб, чегарадан ўтди...

— ...Ана шунанга гаплар, — деди Имомберди бобо ҳикояларига яқун ясаб. — Тарлонни 28 ёшга кирганда қозоқ чавандозлари наслини олиш учун сўралган нарҳига сотиб олишди. Кулай Азизнинг ўзи яна кўп йиллар Назар Эшонкул, Хўжамберди бобо, Омон оқсоқолларнинг отларида кўпқари талашиб, 83 ёшида вафот этди...

— Буниси ҳисоб эмас, яна бир келасизлар, — деди Имомберди бобо биз билан хайрлашаркан. — Агар Лўқмонжон бўлганида у ҳам қизик гурунглари айтиб беради. На илоҳ, эрталаб хўкизларга омон тақиб, тоққа чиқиб кетувди.

Имомберди бобоникидан чиқиб, шу қишлоқлик машҳур чавандоз Бойпўлат Жумаевни излаб, унинг баланд қир ёнбағридаги уйига бордик.

— Амаким қўшиллариникига чиқувди, ҳозир қақариб келаман, — деди бизни чоғроқина хонага бошларкан рўмолини юзига тушириб боғлаган келинчак.

Хонадон соҳиби етиб келгунча у ҳақда Жовли домла айтиб берган ҳикояларни эсладик...

КўПҚАРИНИНГ БЎРИСИ

Дегморондаги тўйда сурхонлик Сайлов чавандозининг омади кулган-

дан қулди. Катта кўпқарида манаман деган чавандозлар унинг шаштини қайтаролмади, қўлма-қўл такани тақимиға босиб ҳалол айираверди.

Эл оқсоқолларининг жиғибийрони чиқди:

— Наҳот бугун чавандозларимиз ўз уйларида бармоғини бурнига тикиб қолаверингиз?

— Бир амаллаб меҳмон чавандозни даврдан четлаштириш керак.

— Йўғ-эй, ошна, зўрнинг зўрлигини билмаган худонинг бирлигига тан бермайди дейишди.

— Бўлмаса чавандозларимиз отнинг орқа оёғи бўлиб қолаверинсинми? Охири оқсоқоллар бир тўхтамага келишди:

— Сайловни ҳеч бўлмаса икки-уч солим даврдан чиқариш керак. Чавандоз халқи сергақ келади.

Сайлов оқсоқолларнинг ўзаро гўжиллашиб қолганини сезди, навбатдаги зот эълон қилиниши олдида уларга яқинлашди.

— Сайловжон, ука, бугунги кўпқаридан ўзимизнинг чавандозлар ҳам умидвер, бироз даврдан чиқиб турсанг бўларди, — деди оқсоқолларнинг эши улуғи.

— Майли, эл ўнгласта отингни сўй дейишган.

Сайлов чавандоз ранжиганини сездирмай, отини даврдан четга ҳайдади.

Узоқдан оқсоқолларга сер солиб турган Бойпўлат чавандоз гап оқими қаёққа буриганини Сайлов чавандознинг ҳаракатларидан англади. Отига камчи босиб ёшуллилар олдиға келди.

— Нима гап? — сўради норози оҳангда.

— Ҳа энди, сизларам бир-икки улоқ айиринглар-да.

— Меҳмон чавандозни уйиндан четлатибми? — жаҳли чиқди Бойпўлатнинг.

— Бу шармандалик эмасми, тилига кучи етмаганлар «Кичикўралликлар зўр чавандозни четлатиб кўпқари чопишди» дейишмайди? Сайлов кўпқарига кирмаса биз ҳам улоқ чопмаймиз.

У оқсоқолларнинг ҳайқайлашига қарамасдан отининг сувлигини бўша-тиб, дигилини эгарнинг устига ташлаётган Сайловнинг ёниға борди:

— Хафа бўлманг, меҳмон, кўпқарига киринг.

— Бироз дам олай.

— Дамни кўпқаридан сўнг олашим.

Шу пайт давра бақовули Маҳмадали Худойбердиев катта совринлардан бирини айтишга чоғланди:

— Армонда қолманг, полвонжонлар, йигирма нарсдан иборат катта совринни ташлаяпман, от-отингни алмаштир, тагин мендан хафа бўлиб ўтирманглар, — деди.

Чавандозлару муҳлисларнинг қулоғи динг бўлди, даврага бир мuddат сукунат чўқди, уни тагин бақовулнинг баланд овози бузди:

— Эшитинг, халойиқ, фарқоб бўп ўтирманг. Қўй, қўша улоқ, московский гилам, кийиз, радиоприёмник, Ғажари гилам, уч кило танга, бир камчи, ёқали тун, мужский қўйлак, кирзавой этик, отинг учун эллик кило арпа, юз сўм пули бор! Чавандозжонлар, фирромлик қиламан деб ўйламанг, барибир харом айирганга зот бермайман.

— Кетдик, меҳмон, — Бойпўлат Сайлов чавандознинг отига отланмаганига қўймади.

Иккаласи тулпор минган чавагонлар орасига кириб, совринга эғалик қилиш учун от солдилар. Бир амаллаб тананга яқинроқ борганлар кулайини топиб узалдилар. Қўли бўшроқлари ердан қўтарилган такани тушириб қолдирди.

Сайлов чавандоз зўр эди, номуси кучли эр эди, кўпқари майдонларида наъра тортган шер эди. Бу гал ҳам мавридини топиб, такани ердан узаш унга насиб этди.

Бойпўлатнинг дилидан: «Агар шу совринни ҳам олдириб қўйсам, оқсоқоллар олдида юзим шувут бўлади, кўпқарининг фарқига бормайдигани «ҳолинг шу экан, катта кетиб нима қилардинг?» деб юзимга соймайди» деган ўй ўтарди.

Ичида авлод-аждодларига сизиниб, Бойтўра бобосининг руҳига тавалло этиб, отини Сайлов чавандозга ёнма-ён сурди, таканин чап оёғидан бармоқларини ботириб-ботириб ушлади. Шу баҳсда зўр чиқса эл олқишиға сазовор бўлишини ўйлаб ўз юрагини ўзи хушлади. Фақат ўзигагина хос чакқонлик билан гавдасини эгарнинг бир томонига таш-

лаб, бор кучини билағига жамлаб тортишини бошлади. Тағидаги асил тулпор — Оқжол Сайловнинг отидан қадам-бақадам ўзаверди. Кенг сайхонликка чиққан икки рақибни оломон завку шавқ билан томоша қиларди.

«Бойпўлат, бўш келма», «Отнинг жилловини чагга бур!», «Шарманда қилма!», «Яратган эгам, унга ўзинг мадад бер», — деган ҳайқириқлар майдон узра гала-говурга айланди.

Бир пайт Бойпўлат тулпорининг жилловини қаттиқ силкитиб ўнға бурди, дастлабки галабалардан масрур Сайлов кутилмаган ҳаракатдан бақувват чанғали очилиб кетганини сезмай қолди.

Сайлов катта зотни ҳалол айирган рақибининг елкасига қўл ташлаб:

— Қойил, ошна, сен чинданам кўпқарининг бўриси экансан, — деб тан берди.

— Бойпўлат жўрам билан биз кирмаган давра қолмагани, — деди хаёлан болалик, йигитлик йиллари ўтган тоғу тошларда юргандек ширин тамшаниб Жовли домла. — Унинг ғалати олдди бор эди. Кун бўйи от суриб қўноқ жойға қайганимиздан сўнг ширин уйкуга кетган Бойпўлат тун бўйи кундузи нимани эшитган, нимани кўрган бўлса, алаҳсираб айтиб чиқарди.

— Сен тушингдам кўпқари чопасанми? — дердик ҳазиллашиб. — Кечаси билан кино қўйиб бердинг.

Бойпўлат одатини биларди шекилли:

— Йўғ-эй, ҳазиллашманглар, — деб ўзини ишонмаганга оларди.

Сўхбатдошимиз бир зум бўлса-да, болаликдаги ширин хотиралар гирдобига фарқ бўлди-ю, бирдан гап тизгинини тагин қахрамонимизнинг мардликлари томон бурди.

— Ҳа, айтгандай, Бойпўлатнинг дярли ҳеч кимга насиб этавермайдиган яна бир хислати бор эди. У ҳар қандай асов отни тезда измиға солиб оларди. Бир гал Дегмороннинг Бегми деган майдонида катта кўпқари бўлаётганди. Ҳақиқий от муҳлиси, уруш ветерани Сафарқул бобо Ҳайитовнинг Қора тўриғини Қаҳҳор ва Чоршанби чавандоздан бошқа ҳеч ким ўзига бўйсундирилмасди. Тилсиз жониворнинг қайсарлигидан газаби қўзиган Қаҳҳор полвон тулпорини боши-қўзи демали қамчилади. Бу ҳолни кузатиб турган Сафарқул бобо чавандозни жеркиб ташлаб, отидан туширди.

У тулпорига отланиб давра томон энди ва Бойпўлатга қўзи тушиб олдиға чорлади:

— Бугундан бошлаб Қора тўриқни Қаҳҳор эмас, сен чопасан, майлими?

— Йўғ-эй, Қаҳҳор ака хафа бўлади.

— Хафа бўлса бўлаверсин, ношудлигини ўзидан эмас, отдан излайдиган чавандозам чавандозми?

Шу пайт Қаҳҳор полвон Бойпўлатнинг мардлигидан қувониб, ёниға келиб:

— Майли, уддасидан чиқсанг минавер, — деб киноя қилди.

Полвоннинг билинар-биланмас киноясидан ранжиган Бойпўлат отга иргиб минди-ю, даврага кириб кетди. Давра бақовули Антаровнинг айтилган совринини бир зум ўтмай намойишкорона яқкалади.

Яна шундай бир воқеа Қамаш тумани Кўкбулоқ қишлоғидаги машҳур чавандоз Иброҳим Зулфироровнинг икки кунлик кўпқарисида содир бўлган, Бойпўлат чавандоз ҳаммани қойиб қолдирганиди. Уша тўйға мингдан ортиқ чавандоз йиғилганди. Давраға шахрисабзлик Абрай чавандоз бақовуллик қилди. Бойпўлат қизикиб Эшмамат Алиевнинг Сурхоннинг Лавридан олиб келган, хали от ёшиға етмаган Шафқат олапой-ка дўнонини тилаб олди. Навбатма-навбат ҳалол айрилган бир неча соврин эғаларини топди. Тажрибали тўй бақовули галдаги совринни эълон қилди:

— Ол, тўй эғасининг момоси номидан эгарланган от, тугун чамадон бор, яқка айриб ўзингни кўрсатсанг соврин сенки, — деб тагин тартиб-қондаларни тушунтирди.

Барча чавандоз зоти борки, совринга эғалик қилиш учун майдонга от солди. Ушанда Бойпўлат дўнони билан такани ҳалол айриб, Кичикўра дарёсидан ўтказиб ташлади.

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касабаси уюшмаси Кумқўрғон туман вакили Боймирза Алимов амалга оширилаётган эзгу ишларни санаб чарчамайди.

Туманимизда миндан ортиқ тадбиркор фаолият олиб боради, — дейди Боймирза Алимов. — Шундан 700 нафар тармоқ касабаси уюшмасига қарашли корхона ва фирмаларда элдошларига янада кўпроқ наф келтириш, бандликка кўмаклашиш, бозорлар тўқинлиги ва арзончилигини таъминлаш, эл дастурхонини гўшт ва сўт маҳсулотлари, сархил неъматлар билан обод қилиш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

зорга чиқариб, килосини 8 минг сўмдан, гулкарамни 1000, карамни 5-6 минг сўмдан сотишади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, тадбиркор Эшмўмин Хидиров томорқасида бақлажон ҳам етилиб турибди. Эрта-индин бозорга чиқаради.

бошқа сабзавот кўчатларини тайёрлаш сирларини ўрганган бўлса-да, ҳамон кўпчилик томорқасига ниҳолни, уруғни Эшмўминдан олади.

Қишлоқнинг зиёли тадбиркори Эшмўмин бу йил қарийб 2 гектар томорқадан гулкарам, карам, помидор, бақлажон, булғор қалампирини ўстираётган. Хаёлингда «Эшмўминнинг бир ўзига 2 гектар томорқа берилганми?» деган ҳақли савол туғилганда

етилганда Абдуназар Холмирзаев 1 млн. сўм улуш олибди.

— Энди қўлимда маблаг етарли. Томорқамда иккинчи экин ўстиришга имкониятим бор, — дея қувонч билан сўзлайди у.

Эшмўминнинг бош қашишга вақти йўқ. Бу ёйда карам етилган, бир томорқадан булғор қалампирини ўстиришга тайёр, бошқа бир томорқадан бақлажон етилиб турибди.

Бундан ташқари, иккинчи экин учун ҳам кўчатлар тайёрлаш лозим. Хуллас, иш кўп — ҳаммасига улгуриши керак.

Уяда фақат Эшмўмин тадбиркор эмас, унинг ишдан издошлари, меҳнаткаш шогирдлари сероб. Анча йил техника изидан юрган Абдулла Чутбоев бу йил 15 сотихли томорқасининг ҳаммасига булғор қалампирини ўстираётган. Абдулла ака 12 млн. сўм даромад қуришни қўзлаб турибди. Ниҳоллар бир ҳафталик фарқ билан ўтказилгани учун ривожини ҳам ҳар хил.

Томорқамнинг 3 сотихига иссиқхона ташкил этиб, булғор қалампирини кўчатини 3 январда ўтказганди, — дейди тадбиркор А.Чутбоев. — 8 мартдан буён ҳосилини териб, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларига сотиб келаяпмиз. Бу сабзавот жуда баракали, серхосил, ҳар икки кунда 120-170 килограмм териб олаёلمиз. Энди, бизнинг томорқадан кеч қузгача булғор қалампирини аримади.

Уясликларнинг тадбиркорлиги, уд-дубуронлиги, ишчанлигига қўйил қалмоқ керак. Кўп қишлоқларда одамлар биринчи экинни экиб қўқартираётган бир пайтда, бу маҳалла ахли биринчи экин ҳосилини йиғиштириб олиб, қанчадан-қанча даромад қилиб, иккинчи экин етиштириш ташвишида юрган бўлади.

Бизнинг маҳаллада ўғрилиқ, майда безорилиқ, қўни-қўшнилари нинг ўзаро жанжали ёт нарса ҳисобланади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Назира Йўлдошева. — Гурунларнинг бош мавзуси қайси ўсимликни қандай ўстириш, кўп даромад олиш ҳақида боради. Меҳнаткаш ота-оналардан иборат олган ёшлар ҳам бировнинг мол-мулкига кўз олайтиришдан ҳазар қилишадди, ҳалол нон топиб ейишни афзал қўришадди.

Дарвоқе, юртимизда Уяс маҳалла ахлидек тадбиркорлар меҳнат қилар экан, дастурхонимиз янада тўқин-соқин бўлади. Зеро, ерни эл, элни эса деҳқону тадбиркор боқадди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Сўраган эдингиз...



Интизомий жазо олганлигини ҳодим муайян муддат ўтгач билиб қолапти. Шу тўғрисида?

Кодир ХОНКЕЛДИЕВ, Қарши шаҳри

Биринчидан, интизомий жазо қўлланганидан олдин ҳодимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Иккинчидан, интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ ҳодимга маълум қилиниб, имзо қўйдириб олиниши зарур.

Ҳодимдан ундирилиши лозим бўлган сумма унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки бир ойлик муддатдан ўтган бўлса, қандай ундирилади?

Журъат ҚУВОНДИКОВ, Мархамат тумани

Зарар суд тартибидан ундирилади.

Ҳодимни мукофотлаш учун касабаси уюшмаси раисининг розилигини олиш керакми?

Раъно КОСИМОВА, Тошкент шаҳри

Ҳодимни мукофотлаш масаласи жамоа йиғилишида қўриб чиқилади. Касабаси уюшма қўмитаси коллегиял орган бўлиб, унинг раиси берган розилиги юридик қучга эга бўлмайди.

Раҳбаримиз мени кўпинча «меҳнат интизомини бузаяпсан, ишдан ҳайдайман» деб қўрқитади. Меҳнат интизоми нима ўзи?

Нилуфар ҚОРАБОЕВА, Тошкент вилояти

Жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси, низом, буйруқ, лавозим йўриқномаси, ички меҳнат тартиби қоидалари ва ҳоказоларда кўзда тутилган вазифаларни бажармаслик меҳнат шартномасини бузиш деб тушунилади. Ишдан ҳайдайман дейиш нотўғри. Ҳодим ҳам, иш берувчи ҳам меҳнатта оид муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектидир.

1979 йилдан буён бошланғич синф ўқитувчиси вазифасида ишлаб келаяпман. Менинг пенсияга чиқшим учун зарур бўлган 2000-2001, 2001-2002, 2002-2003, 2003-2004 ўқув йилларидаги бир ставка бошланғич синф дарси неча соатни ташкил қилади?

Ш.САИДОВА, Олот тумани

2000-2001, 2001-2002 йил сентябргача Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилдаги 133-қарорига асосан 1 ставка бошланғич синф дарси, 14 соат, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилдаги 375-қарорига асосан 2002 йил 1 сентябрдан ҳозиргача 1 ставка бошланғич синф дарси 18 соатдан иборат.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими



Уясининг зиёли тадбиркори
лиши табиий. Биласизми, эртанги сабзавот етиштириш кўп меҳнат ва харажати талаб қилади. Дейлик, бир томорқадан эртанги сабзавот етиштирмоқчи бўлсангиз, 100 килограмм атрофда плёнка ва анча симу арматура керак. Қишлоқдаги айрим кам таъминланган оилаларнинг бу харажатларга қўли калталик қилади. Эшмўмин шундай оилалардан 25 тасининг томорқасида тенг шерикликка эртанги сабзавот парваришлайпти. Биринчидан, ўша кам таъминланган оилаларнинг томорқаси бўш турмайди. Иккинчидан, оила аъзолари ҳам меҳнат билан банд, ҳам анчагина даромад олишади. Масалан, оддий ишчи Абдуназар Холмирзаев 8 сотихли томорқасида Эшмўмин билан тенг шерикликка гулкарам ўстирибди. Плёнка, арматура, сим, хатто, кўчат билан Эшмўмин таъминлайди. Экин парвариши даврида томорқадан тенг меҳнат қилишган. Гулкарам

Чавандозларга дам бериш мақсадида баковул галдаги совринни айтишга шойилмади. Тойкашларнинг бири олиб, бири қўйганини томоша қилиб турдилар. Шу аснода Бойпўлат ҳам кўноқдошларининг олқишларини қабул қилаётган эди.

Баковулнинг: — Уҳ-хў-хў, эшитмадим деманглар, эшитганлар турунлар, навбатдаги катта совринни айтаман, армонда қолманглар, — деган овози чавандозларни сергак тортирди.

Биз ҳам дўноннинг безовталигини кўриб, Бойпўлатни ўрнидан туриб дўнонга миниги мажбур қилдик. Чавандоз тулпорга отланиб тўда томон энди.

Чавандозларнинг келганига ишонч ҳосил қилгач, баковул навбатдаги зотни эълон қилди:

— Фузур туман ИИБ бошлиғи Бутун Янгибоев томонидан «Иж» мотоцикл ва уч юз сўм пули бор, совринни ҳалол айирсанг, оласан. Ололмасан доғда қоласан, мендан хафа бўп ўтирма. Ҳалол айирганини Бутун ака аниқлайди.

Эҳ-ҳэ, кўринг томошани, отининг гайрилиги учун бошига қамчилаётган ким, тулпорларини сакратиб тақага яқинлашаётган ким, чавандозларининг ношудлигини танқид қилаётган оқсоқоллар қанча — биллиб бўлмасди.

Бир ярим соатча давом этган тортишувдан сўнг Бойпўлат такани тақимига босганча тағидаги дўнони билан таҳминан беш-олти метрча келадиган чуқурликдан кийикдек сакраб нариги томонга ўтиб кетди. Ана шунда такани она сўтидан ҳам ҳалол айирган Бойпўлатга соврин эгаси икки юз эллиқ сўм бўлиб берганди. Мана шундан кейин учур дўноннинг бозори олчи бўлди. Харидорлар орасидан шахшорлик ўрмон бошлиғи Гаффор Пиримов тулпорни айитилган нархига сотиб олди. Лекин дўнонни ҳеч ким чополмади. От эгаси Терсоқарга келиб, Бойпўлатни олиб кетди. Уша тўйда Ҳасан Даврон (ётган жойи обод, руҳи шод бўлсин) баковул этиб тайинланганди. Хуллас, Бойпўлат Шафақ олапойча билан ўша кўпқарида олти соврин айириб, қақонлигини қўрсатганди. Шунда давра баковули:

— Ана, кўрдингларми, чавандоз билан отнинг кучи тенг келмаса, отнинг ҳам, чавандознинг ҳам хизмати бир пулга қиммат, — деб айтганди.

— Эҳ-ҳэ, бу воқеалар кечагина бўлиб ўтгандек назаримда, ёшлиқ ҳам инсонга ганимат экан-да. Ҳозир ундан фақат мана шундай хотиралар қолган, — деб чуқур тин олди Жовли ака.

— Ҳозир Бойпўлат чавандознинг кўпқари чопадиган ўғиллари борми? — деб сўради шерикларимиздан бири домладан.

— Худого шукур, Бойпўлатнинг Лутфиддини хозир кўпқарига қизиқиб, ота ишини давом эттираётган...

САФАРҚУЛ БОБОНИНГ ХОББИСИ

Бойпўлат чавандоз камсуқум инсон экан, унинг қишлоқ мактабидан директор бўлиб ишлашини эшитиб, анча гапга чечан бўлса керак, ўзи ҳақида, бошқа чавандозлар ҳаётидан истаганимизча маълумот оламиз деб ўйлагандик. Аммо домла узангидошлари ҳақида тўлиб-тошиб гапирса-да, ўзига қолганда:

— Ха энди, чавандозлик бизга ота-бобо мерос, вақтида озроқ кўпқари чопганмиз, — дейишдан нарига ўтмади.

Домлага узангидош жўраси — Жовли Шакаровнинг саломини етказганимиздан сўнг чехраси ёришиб кетди.

— Жовлининг ёнидан келаяпсизларми? Ўзи қандай, жони соғми? Ишлари жойидами? Бола-чақалари яхшими? — хозиргина ўн гапимизга бир жавоб қайтараётган чавандоз саволларни қалаштириб ташлади.

— Ҳаммаси яхши, Жовли ака чўлга қиқиб, катта деҳқон бўлиб кетган, «экин-тикин мавсуми ўтсин, ўзим сизларни бошлаб бораман» деганди, биз эса вақт ганимат билиб келавердик.

— Бош устига, хуш кўрдик, чўлга қайтганларингиздан сўнг Жовли ошнага бизнинг саломини ҳам етказасизлар-да?

— Албатта.

Эндигина гурунгимиз кўр ола бошлаганда, даврамизга Бойпўлат ака

билан бир мактабда ишлайдиган Соҳиб Ҳайитов келиб қўшилди.

— Ана, Соҳиб домланган ҳам отаси от парваришлаган, гоҳида бир оёғи тиззасидан кесилган бўлса-да кўпқари чопган, — деди Бойпўлат ака гурун мавзусини ўзгартириш мавриди келганидан севиниб.

— Отамнинг отни яхши кўргани бор гап, аммо чавандоз сифатида унчалик эмас, — сўхбатимизга қўшилди Соҳиб домла. — У киши урушдан бир оёғини олдириб қайтган. Ушанда: «Агар урушдан омон қайтсам, яримжон бўлсам-да кўпқари чопганим бўлсин», — деб ўзига сўз берган экан. Қоратўриқ отимизда кўпчига Қаҳҳор полвон кўпқари чопарди, мана, Бойпўлат ака ҳам минган. Тўғри, бир гал Дубодга тўйда Қаҳҳор полвон қўлидаги такани олдириб қўйганига чидамой отни савалганида отам чидаб туролмай жаҳл устида: «Полвон, отда нима айб? Укувсизлигингизни ўзингиздан кўринг», — деган.

Отамнинг гапини оғир олган Қаҳҳор чавандоз сакраб отдан тушаркан:

— Кўп бисотингиз бор экан, — деб қақиб олибди. — Мана, бесўнақай отингиз ўзингизга сийлов, ким минса минсин, энди Қоратўриқни минмаганим бўлсин.

Шу даврада отам полвоннинг қасдма-қасдига Қоратўриқни миниб бир-икки зотни ҳалол айирганини эшитганмиз.

2

— Сафарқул бобонинг Кўктарлон оти ҳам бўларди, отмисан от эди, — гурун ўзанини буриб юборди Бойпўлат чавандоз. — Буни ҳозир хобби дейишади. Сафарқул бобонинг хоббиси майдон четидан туриб, ўзи парваришлаган отларнинг ҳунарини кузатиш эди. У киши отларига дондор чавандозларни миндириш учун киссасига олма солиб юрарди. Бирор зўр чавандоз совутиш учун ўз отидан тушганида секингина ёнига бориб, чўнтагидаги олмадан бирини олиб узатарди-да:

— Манг, полвон, шуни еб, ўз отингизни совутиб келгунларича бизнинг тулпорни ҳам бир даврага киритиб кўринг-чи, — дер эди.

Сафарқул бобонинг отларини Қаҳҳор чавандоз билан мендан ташқари Белибойлидан Худойкул пиён, Сурхондарёдан Хайдархон, Хабибулло эшонлар ҳам чопишган. Қоратўриқ, Кўктарлонда Товошар полвон, Панжи чавандозларнинг соврин олганига ўзим гувоҳман.

Тераклидаги бир тўйда Сафарқул бобо кечикиб борди. Совринга аталган учтагина зот қолганди. Олисдан кўриниш берган отликларни кўриб давра баковули:

— Оғайиллар, шу отликлар ҳам умид билан келишяпти, охирги уч зотни улар етиб келгач ташлайман, ҳозирча навбатни тойкашларга бериб тураммиз, — деди.

Бу таклифга ҳеч ким қаршилиқ қилмади. Вақти келиб қолган зотлар айтилганида ҳамма чавандозлар ўз отларига отланганини кўрган Сафарқул бобо чўлоқ оёғини хўржининг кўзига жойлаганча даврага кириб ўч совриндан иккитасини ҳалоллади.

— Уша даврада ўзинг ҳам бор эдинг-ку, тагин «отам кўпқари чопганларини билмайман» дейсан-а? — киноя билан жўрасига қаради Бойпўлат чавандоз.

— Сафарқул бобо қариб бандаликни бажо келтирганида ҳам васыятага кўра, жасадини мошинга юклаб эмас, ўз отида Қизилмозор қабристонига элиб қўйгандик, — гурунга хотима ясади Абдусалом домла.

3

— Домла, энди Кўккўтални қўйиб, равонроқ йўл танланг, — илтимос қиламиз Абдусалом акага эрталабки ўрлару нишабликлардан юрак олдириб қўйганимиз учун.

— Бир ўтганларингизга шўнчани, биз йил — ўн икки ой шундай йўллардан юрамиз.

— Сизнинг йўрингиз бошқа, тоғликсиз, биз эса текисликдан юриб ўрганган одамлармиз.

— Майли, Дубоб устидан кетамиз, — дейди Абдусалом ака ён бериб. Терсоқардан паства қараб энамиз, ҳар ҳолда мошин қатнайидиган йўл, лабимизни тишлаб, қийинчиликларга дош берамиз. Тартиб ўша-ўша, олдинда қирчанги эшагини ниқаб Абдусалом домла, изда биз, биримиз отда, иккинчимиз эшақда. Фақат бу гал сафимизга янгиқишлоқлик Абрам исмли суратчи йигит ҳам қўшилган.

Тоғлик табиат бағрида ўсиб-унган, равон йўлларни тан олмайди, бироз юрганимиздан сўнг Абдусалом ака:

— Бу кетишда қуёшни ботирамиз, қисқароқ йўлдан кетайлик, — дейди.

Масофани қисқартириш учун Абдусалом ака танлаган, кўпи билан ярим қақирим чиқадиган тоғ йўли эрталабки азобларимиздан ҳам ошиб, тинка-мадоримизни қуритади. Сафдошларимиздан бирининг эшаги сел сувида ҳақириб оқаётган дарёни кесиб ўтмай тижирлик қилади.

— Менинг ортимдан ҳайданлар, саёзроқ жойдан ўтамиз, — дейди изимиздан етиб келган қақча отли йигит.

Йўл биланга нима етсин, отликнинг изидан бориб, сойни осонгина кесиб ўтамиз, олдинда ялангликка ястаниб ётган қишлоқ намоён бўлади. Дубоб шу ҳудуддаги ҳовиллари бир бирига туташиб кетган, нисбатан гажам қишлоқ экан.

— Раҳмат, Баходиржон, — дейди Абдусалом ака бизни сойдан ўтказганидан сўнг отини салт қўйиб кетаётган йилгитга.

— Раҳматингиз нимаси? — дейди отлик тулпорининг бошини биз томон буриб. — Йўлларингизни берсин.

— Баходир Абраев дейдилар бу кишини, бугунги куннинг номдор чавандозларидан, ўзи зўр четгир, тақимлаган зотини айирмасдан тинчимайди, — дейди Абдусалом ака биздан йироқлашиб бораётган йигитнинг изидан қараб қоларкан.

— Четгири нимаси? — сўраймиз қизиқсиниб. Абдусалом домла қисқасига жавоб қайтаради:

— Кўпқарини ҳамма чавандозлар ҳам бир хил чопмайди, мавриди келиб, улоқда кимларни четгир деб аташларини айтиб бераман.

Атиги бир кунлик сафардан қарчаб, эгар устида базўр қовушиб ўтирганимиз учун домлани саволга тутмай қўқоламиз.

Бироз бузилган асфалт йўлдан қишлоқни қоқ ёриб ўтар эканмиз, йўлбошимиз дарахтар тағига ишлов бераётган оппоқ соқолли отахонни, булоқ сувида сатилларини тўлдирётган уч-тўрт келин-қизларни гапга тутди.

— Бу ерларда домлани танимайдиган банданинг ўзи йўқ, — изоҳ беради юзини биз томонга буриб, отини қалқайрамон миниб олган Абрам.

Қишлоқдаги сўнги тепаликнинг энг баланд жойига етганимизда, йўлнинг ўнг томонида шахид мазорига дуч келамиз. Абдусалом ака дуога қўл очади:

— Амиркул Сейли йигирма тўққиз ёшида шу ерда отдан йиқилиб вафот этган, Аллоҳ у кишининг охиратини обод этсин.

Йигирма ёшида колхозни бошқариб, катта-ю кичикни оғзига қаратган марҳумга ҳавасимиз келиб, дуога очилган кафтимизни юзимизга сийлаймиз.

Дубоб касб-хунар коллежи ёнидан ўтганимизда ботаётган қуёш нурлари биз бораётган манзил — Янгиқишлоқнинг тепаликлар устида жойлашган яқкам-дуқкам ўйларига тушиб турарди.

Ўқжилон

1

— Мендан ўқишни, китобни сўраглар, лекин қишлоққа ўтсанглар ҳақиқий кўпқари пирига учраштираман.

Илк учрашувимизда Холмат домла Жовли Шакаров ҳақида шундай сўз юритиб, кейин қўшиб қўйганди:

— Чўнки у киши кимсан Тўхли полвоннинг катта ўғли Шоқамбар билан дўст киришиб, полвоннинг сабоқларидан бахраманд бўлган. Узям чавандозлик сарпойини кийиб, кенг майдонларда ор-номус талашган. Жовли Шакаровнинг Холмат домла айтганидай кўпқари гурунлари пири эканлигига олдинги бобларимизни ўқиб, ўзингиз ҳам тан бергандирсиз. Хуллас, Жовли чавандоз бизга тагин бир чавандозлар сулоласи ҳақидаги қизқарли ҳикояларни айтиб берганди. Биз уни Қизилмозор томонларда бўлганимизда эшитганларимиз билан қўшиб сизга илчидик...

(Давоми бор)



Миллий маданиятимиз дурдоналари намойиши

Хива шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан «Асрлар садоси — 2010» маданият фестивали ташкил этилди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни тиклаш ва бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур фестивал ўтмиш меросимиз ва анъаналаримизни авлодларга етказишда муҳим ўрин тутди. Айни пайтда бу навқирон авлодни миллий маданиятимиз, умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, ёшларда Ватанга, миллий қадриятларимизга ҳурмат-эҳтиромни шакллантиришда беҳисоб аҳамиятга эга.

Миллий маданиятимиз, санъатимизнинг ўзига хос байрами сифатида ташкил этилган ушбу тадбирда фольклор ва театр гуруҳлари, хонандалар, мусикачилар, раққосалар, қизиқчилар, расомлар, хунармандлар, «Янги авлод», «Келажак овози» фестивал ва кўрик-танловларининг ғолиб ҳамда совриндорлари иштирок этмоқда.

«Асрлар садоси» фестивалида кўплаб хоржий давлатлардан келган маданият ва санъат намояндлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари миллий санъатимиз дурдоналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқдалар.

«Асрлар садоси» фестивалида кўплаб хоржий давлатлардан келган маданият ва санъат намояндлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари миллий санъатимиз дурдоналари билан яқиндан танишиш имконига эга бўлмоқдалар.



Бундай гузал ва ахойиб тадбирда илк бор иштирок эта-

сабоқ бераман. Айни пайтда XVIII-XIX асрлар ўзбек маданияти ва урф-одатлари бўйича илмий изланиш олиб бормоқдаман. Илдизлари олис асрларга бориб тақаладиган ўзбек маданияти мени ҳамisha хайратга солиб келади. Ушбу фестивал ана шу миллий маданият ва қадриятларни тараннум этгани билан алоҳида аҳамият-лидир.



Спорт оламида

Бокс

БЎСМда республика чемпионати

Маргилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасидаги бокс бўйича мамлакат биринчилиги ниҳоясига етди.

Мазкур чемпионатда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан 285 нафар чарм кўлоқ усталари 44 килограмдан 86 килограмгача бўлган 14 вазн тоифасида ғолиблик учун ўзаро беллашдилар.

Мурасасиз баҳслардан сўнг умумжамоа ҳисобида ғолиблик Тошкент вилояти спортчиларига, Фарғона ва Жиззах вилояти жамоаларига эса кейинги ўринлар насиб этди.

Кураш
Шунингдек, 1996-1999 йилларда туғилган ўсмирлар ҳамда қизлар ўртасида белбоғли кураш бўйича мамлакат биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Ушбу беллашувларда республикамиз барча вилоятларидан 240 нафар спортчи катнашиб, ўғил болалар 9, қизлар 4 вазн тоифасида гиламга чиқди.

Кизгин кечган мусобақада умумжамоа ҳисобида Фарғона вилояти спортчилари биринчи, Тошкент ва Сирдарё вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ,
Маргилон шаҳри

Спартакиада

Чиниқиш мактаби

«Баркамол авлод йили» Давлат астурида ишчи-хизматчилар ўртасида турли мусобақалар ўтказишга алоҳида эътибор берилган. Таълим ва фан ходимлари Зомин туман бирлашган қасаба уюшма кўмитаси томонидан таълим ходимларининг VIII аънавий спартакиадаси ҳам айнан шу мақсадда ўтказилди.

60-умумтаълим мактабининг спорт базасида икки кун давом этган мусобақаларда устоз-мураббийлар спортнинг саккиз тури бўйича куч синашдилар. Унда тумандаги 75 та мактаб, тўртта мактабдан ташқари таълим муассасалари қошида ташкил этилган 54 жамоа иштирок этди. Эътиборли томони, иштирокчиларнинг 126 нафари хотин-қизлар эди.

Ғолиб жамоаларга Зомин туман бирлашган қасаба уюшма кўмитаси томонидан диплом, фахрий ёрлиқ ва спорт анжомлари тақдим этилди.

А.СОДИҚОВ,
Жиззах вилояти

Шунингдек, соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши тасарруфидаги олий ва ўрта махсус билим юрталари талабалари ўртасида Баркамол авлод йилига бағишланган спартакиада бўлиб ўтди.

Тадбирда спортнинг волейбол, шахмат, шашка, стол тенниси турлари бўйича 100 нафардан ортиқ талаба-ёшлар иштирок этишди. Умумжамоа ҳисобида Бухоро тиббиёт институти жамоаси биринчи, кейинги ўринларни Бухоро ва Жизҳудон тиббиёт коллежи жамоаси эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорлар тармоқ қасаба уюшмаси вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ш.СУЛТОНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси

Авторалли

Меҳмонлар муваффақияти

«А-8-9» синфли автомобиллар баҳсида қашқадарёлик спортчилар яққол пешқадамлик қилишди. Баҳодир Кенжаев ҳамда Азиз Алижонов экипажи биринчи ўринни эгаллаган бўлса, Исроил Очилов ва Жасур Темуров қумуш медаллар насиб этди. Воҳаниннинг учинчи экипажи Саҳобиддин Азизов ва Лазиз Бобоназаров жуфтлиги ҳам совринли ўриндан бебаҳра қолмади.

Узимизнинг «Нексия» автомобиллари иштирокидаги «NU» синфли пойғасида пойтахтнинг «ЮМС» клуби аъзолари Анвар Эргашев ва Баҳодир Каримов чемпионлик шохуспасига кўтарилди. Руслан Жумаев ҳамда Никита Устинов («Азия рейсинг Тим») иккинчи, Илхом Обиджонов ва Б. Минин (Самарқанд)га учинчи ўрин насиб этди.

Ўзбек жанг санъати

Соҳибқирон авлодлари

Қарши шаҳрида бўлиб ўтган 9-21 йили спортчилар ўртасида «Амир Темур кубоги» аънавий республика турнирида 400 нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди.

Комплекс машқлар бўйича ўсмирлар баҳсида умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти биринчи, Бухоро терма жамоаси иккинчи, Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгалладилар. Қизлар баҳсида пойтахтликлар биринчи, Андижон ва Бухоро вилояти вакиллари кейинги погоналарни банд этишди.

«Беллашув» йўналишидаги ҳар иккала мусобақа меҳмонлар ғалабаси билан яқун топди. Бухоро ва Тошкент шаҳри жамоаларига кейинги ўринлар насиб этди.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» муҳбири

Ибрат

Биз учун ажратилган хона сикатхот коридорининг адоқроғида жойлашган эди. Янги тонг кўнглимда табиатга ошқўталкини уйғотиб юборди. Эрталабки сайр олдидаи тоза ҳаво кирсин деб эшикни очиб қолдим. Ховлига чиқайтиб, коридорга ноҳосдан кириб қолган бир капалак диққатимни тортди. Шафтоли гулига ўшшаган қанотлари ниҳоятда нафис, тох пастлаб, тох баландлаб учинишга маҳлиб бўлмасликнинг илоҳи йўқ.

Ифор ишқига

Шу топда капалак сергаканиб, коридор бўйлаб уча бошлади. Мен бўлсам унинг издоши. Иттифоқ парвоз бизнинг хона сари давом этди. Ховода бир-икки пирираб айланган, у стол устида турган атир қутиси устига кўнди. Кейин гул устида тургандек ўша нуқтада ўралашиб қолди. Шундай хулосага келдим: демек, уни шунча масофага учинишга ундаган нарса атир ифори экан-да.

Азиз муштарий, капалакдаги топқирлик унинг ягона иқтидори бўлиши мумкин. Аммо сизда бундай сезгирликлар қалашиб ётибди. Истеъдодингиз қай бир хунарга қаратилса, натижани нақ кафтингизда қўришингиз учун барча шароит бор. Шундай экан, аввало ўзингиздаги кашф бўлмаган хислатларни англаб олишингиз зарурга ўхшайди. Меҳнат ва изланишлар эса ҳеч ишда, ҳеч қачон, ҳеч кимга панд бермаган.

Мансур ЗОИР

Тарадуд

Оромгоҳлар мавсумга шайланмоқда

«Ўзбекистон темирйўллари» компанияси томонидан соҳа меҳнаткашларининг фарзандларини ёзда дам олдириш ва соғломлаштиришга катта эътибор берилди.



Яқинда тармоқдаги болалар оромгоҳларини 2010 йил ёз мавсумига тайёрлаш борасида компания раҳбарияти билан тармоқ қасаба уюшмаси Марказий кенгашининг биргаликдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда оромгоҳларнинг бултурги фаолиятига қисқача тўхтаб ўтилди. Ҳозир барча оромгоҳларда таъмирлаш ишлари жадал олиб борилаётган. Бунинг учун компания томонидан 225 млн. сўм ажратилган. Айрим оромгоҳларда электр тармоғи синовдан ўтказилиб, ободонлаштириш ишлари якунланиш арафасида. Малакали тарбиячилар, муаллимлар, тиббиёт ходимлари ва бошқа хизматчилар танлаб олинмоқда.

Компания қарамоғидаги 6 та оромгоҳнинг 2 таси 4 навбатда, 4 таси 3 навбатда ишлайди. «Кўнғирот» профилакторийи 5 навбатда фаолият юритади. Уларда 6750 нафар бола соғломлаштирилади.

Таъкидлаш кераки, раҳбарий ҳар йили Оролбўйи темирйўлчиларининг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу йил ҳам Кўнғирот ва Хоразм темирйўлчиларининг фарзандлари «Қириқ» оромгоҳида уч навбатда дам олади. Бунинг учун етарли миқдорда маблағ ажратилган.

Қарши ва Термиз минтақавий темирйўли узели ходимларининг 600 нафар фарзанди ўз вилоятларидаги оромгоҳларда дам олдирилади.

Мавсумнинг бошланишига бир ойдан камроқ вақт қолди. Ҳали оромгоҳларни мавсумга шайлаш борасида қилинадиган ишлар жуда кўп. Уларнинг ўз вақтида бажарилишида жойлардаги қасаба уюшма ташкилотларининг ҳамжихатлик билан иш юритиши муҳим аҳамият касб этади.

Адҳам ДАМИНОВ

Бир фармон шарофати

Миннатдорман

Ўқитувчиман, Ҳозир 62 ёшдаман. Собик Иттифокдаги кўпгина санаторийларда даволанганман. Эндиликда «Чинобод», «Ботаника», «Чортоқ» каби кўплаб даво масканлари меҳнаткашларимизнинг соғлиғини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнамоқда.

Яқинда Тошкентдаги Республика касб касалликлари марказида соғлиғимни тикладим. Бу ерда яратилган шароит мени хайратга солди. Даволаниш даври учун касаллик варақаси очилиб, шу кунлар бўйича иш жойида иш ҳақи тўланиши аини мудоадир.

— Марказимиз 2005 йилдан фаолият юритиб келмоқда, — дейди беморларни қабул қилиш бўлими бошлиғи Зафар Бўтаев. — Унинг бошқа курорт-санаторийлардан фарқи шундаки, Президентимизнинг фармонида асосан фақат

ўз касбида ишлаб, касалликка чалинган беморларни бепул қабул қиламиз ва даволаймиз. Утган даврда бу ерда минглаб беморлар касалликдан фориғ бўлдилар.

Касб касалликлари марказида фидокорона меҳнат қилиб, беморлар меҳрини қозонган шифокорлардан миннатдорман. Нафақат дори-дармон, ширин сўз, яхши муомала қилиш даво воситаси ҳисобланишига шу ерда амин бўлдим.

Абдулла МЕНГЛИБОВ,
Шўрчи шаҳридаги 1-мактаб ўқитувчиси



Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abdusoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA,

Anvar YUNUSOV,

Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),

Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib),

Ma'mura ADILOVA,

Mirzohid SODIQOV,

Normamat

AIYAYOROV,

Nosirxon AKBAROV,

Oysuluv NAFASOVA,

Pirimqul QODIROV,

Sog'indiq

NIYETULLAYEV,

Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti

256-87-63

Huquq va xalqaro hayot

256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat

256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport

256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash

256-85-43

Reklama va e'lonlar

256-87-73

Manzilimiz:

100165,

Toshkent shahri,

«Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail:

mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

T.Shermayer

Navbatchi:

Sh. Abdusamadov

Musahhih:

S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi:

H.Abdujaillov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi.

Korxonaning manzili:

«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta o'fset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda marba sifatlida gazeta nomi ko'rsatish shart. Muallif fikri ta'biyiyot nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 18.00.

Topshirildi - 19.20

Buyurtma Γ — 451

19089 nuxxada bosildi

ISSN 2010-5002

2 3 4 5